

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

2024 йил “24” феврал да
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 34/3

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари



Н.Н. Сайдуллаев

“МИКРОКРЕДИТБАНК”
акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган
ўзгартишлар

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Микрокредитбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2023 йил “28” декабрдаги
2-сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси



О.Р. Исаков

Тошкент – 2024

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига
киритилган ўзгартишлар**

1. Уставнинг 2.15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.15. Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 4-уй. Почта индекси: 100047”.

2. Уставнинг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.2. Банкнинг устав капитали микдори 3 795 323 565 000 (уч триллион етти юз тўқсон беш миллиард уч юз йигирма уч миллион беш юз олтмиш беш минг) сўми ташкил қилади ва номинал қиймати 1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 3 553 538 750 (уч миллиард беш юз эллик уч миллион беш юз ўттиз саккиз минг етти юз эллик) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат”.

Бошқарув раиси



О.А. Бутаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

2023 йил “ 7 ” декабр да
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37/2

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев



“МИКРОКРЕДИТБАНК”
акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган
ўзгартишлар

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” АТБ

Кузатув кенгаши мажлисининг

2023 йил “ 3 ” ноябр даги
38 -сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси



О.Р. Исаков

Тошкент – 2023

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига
киритилган ўзгартишлар**

1. Уставнинг 5.2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 3 795 927 089 664 (уч триллион етти юз тўқсон беш миллиард тўққиз юз йигирма етти миллион саксон тўққиз минг олти юз олтмиш тўрт) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 3 554 103 848 (уч миллиард беш юз эллик тўрт миллион бир юз уч минг саккиз юз қирқ саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат”.

2. Уставнинг 6.9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 3 183 341 897 (уч миллиард бир юз саксон уч миллион уч юз қирқ бир минг саккиз юз тўқсон етти) дона умумий қиймати 3 399 809 145 996 (уч триллион уч юз тўқсон тўққиз миллиард саккиз юз тўққиз миллион бир юз қирқ беш минг тўққиз юз тўқсон олти) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат”.

Бошқарув раиси



О.А. Бутаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

2023 йил “21” июл да
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37/1

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев

М.У.

“МИКРОКРЕДИТБАНК”
акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган
ўзгартишлар ва қўшимча

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” АТБ

Акциядорларининг навбатдаги йиллик
умумий йиғилишининг
2023 йил “27” июндаги
1-сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси

О.Р. Исаков

М.У.

Тошкент – 2023

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига
киритилган ўзгартишлар ва қўшимча**

1. Уставнинг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 3 545 927 089 668 (уч триллион беш юз қирқ беш миллиард тўққиз юз йигирма етти миллион саксон тўққиз минг олти юз олтмиш саккиз) сўмни ташкил қилади ва номинал киймати 1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 3 320 021 451 (уч миллиард уч юз йигирма миллион йигирма бир минг тўрт юз эллик бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат”.

2. Уставнинг 7.18.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.18.1. Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар Банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида Банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно)”.

3. Уставнинг 12.18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12.18. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кузатув кенгашига унинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно”.

4. Уставнинг 13.3-банд ўттиз биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Таваккалчиликларни бошқариш, Комплаенс, коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш”;

5. Уставнинг 13.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.6. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади. Банк Кузатув кенгаши 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат таркибда сайланади. Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари сони 4 (тўрт) нафарни ташкил этади”.

6. Уставнинг 13.8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“13.8. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси, Банкнинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Банк Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас”.

7. Уставнинг 13.12-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“13.12. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади”.

8. Устав қуйидаги мазмундаги 13.30-банд билан тўлдирилсин:

“13.30. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар Банк Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун, қоида тарикасида, танлов асосида кўрсатилади. Бунда, акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “хэд-хантер” (“headhunter”) компаниялари орқали танлаб олинган номзодлар Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига кўрсатиш учун Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилиши мумкин”.

Бошқарув раиси

О.А. Бутаев



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

2022 йил “17” август да
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари



 Б.Э. Захидов


“МИКРОКРЕДИТБАНК”
акциядорлик-тижорат банки
УСТАВИ
(янги таҳрирда)

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдаги йиллик
умумий йиғилишининг
2022 йил “27” июндаги
4-сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси



 О.Р. Исаков

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар	3
2. Банкнинг юридик мақоми, жойлашган жойи (почта манзили)	3
3. Банк фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади, Банк операциялари	5
4. Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	8
5. Банк устав капиталининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайитириш тартиби	10
6. Банк акциялари турлари, номинал қиймати ва нисбати, Банкнинг эълон қилинган акциялари	13
7. Банк акцияларини жойлаштириш тартиби ва шартлари	14
8. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	17
9. Банк соф фойдасини ва дивидендларни тақсимлаш, шунингдек зарарларининг ўрнини қоплаш тартиби	21
10. Банкнинг ўз маблағлари ва кредит ресурслари, Банк захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш	24
11. Банкнинг бошқарув органлари	25
12. Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши	25
13. Банк Кузатув кенгаши	30
14. Бошқарув – Банкнинг ижроия органи (ижро этувчи органи)	36
15. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш	42
16. Корпоратив маслаҳатчи	42
17. Банк филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари, уларни ташкил этиш тартиби	43
18. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш	44
19. Мижозларнинг манфаатларини таъминлаш	45
20. Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш	46

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки (кейинги ўринларда – Банк) кредит ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишни таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган.

1.2. Банк “Тадбиркор” акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган бўлиб, “Тадбиркор” акциядорлик тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, мулкый, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (кирилл алифбосида):

тўлиқ номи – **“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки;**
қисқартирилган номи – **“Микрокредитбанк” АТБ.**

Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (лотин алифбосида):

тўлиқ номи – **“Mikrocreditbank” aksiyadorlik-tijorat banki;**
қисқартирилган номи – **“Mikrocreditbank” АТБ.**

Банкнинг рус тилидаги фирма номи:

тўлиқ номи – **Акционерно-коммерческий банк “Микрокредитбанк”;**
қисқартирилган номи – **АКБ “Микрокредитбанк”.**

Банкнинг инглиз тилидаги фирма номи:

тўлиқ номи – **Joint-Stock Commercial Bank “Microcreditbank”;**
қисқартирилган номи – **JSCB “Microcreditbank”.**

2. БАНКНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга, ўз номидан мулкый ва шахсий номулкый ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Банк ўзининг фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Банк ўзининг давлат тилида тўлиқ ёзилган фирма номи ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа инсталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва

бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига киради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда – Марказий банк) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга амал қилади.

2.4. Банк акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан Уставда белгиланган муддатларда уларга Банк Устави, шу жумладан, унга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши ва Банк акциядорининг талабига биноан Банкнинг амалдаги Уставидан нусха бериши шарт.

2.5. Банк ўз мажбуриятлари, шунингдек аҳоли омонатлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар.

2.6. Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига оладилар.

2.7. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Банкнинг мол-мулк унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.10. Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.11. Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.12. Банк агар қонунчиликнинг талабларига зид келмаса, ўзининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни

амалга ошириш мақсадида тузилган (тузиладиган) уюшмалар ва бошқа бирлашмаларга аъзо бўлиши (иштирок этиши) мумкин.

2.13.Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.14.Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

2.15.Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14 уй. Почта индекси: 100096.

2.16.Банкнинг электрон почта манзили: info@mikrokreditbank.uz, веб сайти: www.mikrokreditbank.uz.

3. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ, БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

3.1.Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Банкнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

3.2.Банк операцияларни бажариш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банк муассасаларида вакиллик ҳисобварақларига эга. Банк бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиши мумкин.

3.3.Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради:

пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операцияларини амалга ошириш;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

қimmatли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага

биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш;

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ банклараро операцияларни амалга ошириш.

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

3.4. Банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.5. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас, бундан қуйидагилар мустасно:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускуна ва унга доир дастурий тизимлотни сотиш ёки ижарага бериш;

ўз активларини сотиш;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатиш;

суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари нимадан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

Банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулкрий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага бериш.

3.6.Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилади ва уларни депозит ҳисобварақларида (талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа турдаги депозит ҳисобварақларда) ва бошқа мажбуриятли ҳисобварақаларда сақлайди.

3.7.Банкнинг миждозлар ва бошқа контрагентлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида тартибга солинади.

3.8.Банк томонидан кредитлар жисмоний ва юридик шахсларга қайтаришлик, фоизлилиқ ва муддатлилиқ шартлари асосида берилади. Кредитларни бериш қарз олувчилар билан тузиладиган кредит шартномалари асосида амалга оширилади. Кредитлаш шартлари Банк томонидан белгиланади.

3.9.Банк томонидан ажратиладиган кредитлар амалдаги қонунчилиққа мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафолатлар, кафиллиқлар ва банк амалиётида қабул қилинган бошқа усуллар билан таъминланади. Банк мазкур таъминотларнинг етарлилигини Марказий банкнинг тавсия ва ўрнатган тартибларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

3.10.Банкнинг филиаллари Банк Уставида белгиланган барча турдаги банк операцияларини ўз низомлари доирасида амалга оширадilar ва пуллик хизматларни кўрсатадилар.

Банк хизматлари марказлари (офислари), қоида тариқасида, банк ҳисобварақларини очиш, омонатлар (депозитлар)га пул маблағларини жалб қилиш, тўловлар ва халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлаш, тижорат кредитлари, шу жумладан истеъмол ва автокредит, микроқарзларни бериш каби асосий молиявий операцияларни (банк хизматларини) кўрсатади.

Банк хизматлари марказлари (офислари)да улар жойлашган ҳудуд аҳолисининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Банк лицензияси доирасида ўз низомларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни (банк хизматларини) ҳам амалга ошириши мумкин.

3.11.Чет эл валютасидаги операциялар Марказий банк томонидан берилган лицензия ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади.

3.12.Банк юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга маълумот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

Банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида Банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

факат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюрolari;

қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

3.13. Ушбу Уставнинг 3.12-бандига мувофиқ Банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини олиш Банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов Банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

3.14. Банк томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси Банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

3.15. Банкка ўз устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахсининг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш тақиқланади.

3.16. Ушбу Уставнинг 3.12-3.15-бандларининг талаблари Банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга ошириладиганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3.17. Банк бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк бошқа банкнинг устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни бажариш учун банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

миқдорларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;

шартнома асосида юридик ва жимоний шахслар томонидан берилган маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бошқа банклардан жалб этиш ва бошқа банкларга жойлаштириш;

омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишувга мувофиқ депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фойиз ставкаларини мустақил белгилаш;

ташқил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондларни ташқил этиш;

кредит ажратилаётган юридик шахс, ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов қобилиятини, шунингдек берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

ўз маблағлари ёки Банк кредитлари иштирокида объектларни қуриш, техника билан қайта жиҳозлаш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимлари экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;

қарздорнинг тўловга қодир эмаслиги эътироф этилганда, у кредитни таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадли фойдаланиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бузилганда, ҳисоботларда нотўғри маълумотлар аниқланганда ёки бухгалтерия ҳисобида камчиликларга йўл қўйилганда, шунингдек кредит шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда кредитни бундан буён беришни тўхтатиш ва берилган кредит суммаларни муддатидан олдин ундириб олиш;

ўз молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, қонунчиликда, лицензияда ва Уставда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни бажариш;

ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;

қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қасқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни ташқил этиш.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

Марказий банкда маблағлар захирасини яратиш ҳамда белгиланган натижасодий нормативларга риоя этиш бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларни бажариш;

Марказий банкнинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;

бериладиган кредитларни таъминлаш бўйича гаров, кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички меъёрларни ўрнатилган;

кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда захиралар ташкил этиш;

ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;

ўз фаолиятига доир ахборотни Марказий банк томонидан белгилайдиган тартибда ошкор қилишни амалга ошириш;

Банкда ички аудит хизматини таъминлаш.

4.3. Мижозларнинг Банкдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлари фақат қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

4.4. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижрочисига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига қатъий равишда қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.5. Мижозлар шубҳали операцияларни амалга оширган тақдирда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.6. Банкнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари банк сирини ошкор қилганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.7. Банкнинг хайрия ва хомийлик учун ажратиладиган йиллик харажатлари миқдори олдинги (базис) йилда олинган соф фойданинг 10 (ўн) фоисидан ошмаслиги шарт. Хайрия ва хомийлик ёрдамлари Банк томонидан олдинги (базис) ҳисобот йилидаги соф фойда қисмида бизнес режа кўрсаткичлари бажарилган ҳолатларда амалга оширилади.

5. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Банкнинг Устав капитали Акциядорлар олган банк акцияларининг номини ҳайъатидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади ҳамда Банк акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар истисно:

Банк акцияларини Банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва Банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай қўғирларни (талибларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш.

кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда захиралар ташкил этиш;

ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;

ўз фаолиятига доир ахборотни Марказий банк томонидан белгилайдиган тартибда ошкор қилишни амалга ошириш;

Банкда ички аудит хизматини таъминлаш.

4.3.Мижозларнинг Банкдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлари фақат қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

4.4.Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижрочисига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига қатъий равишда қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.5.Мижозлар шубҳали операцияларни амалга оширган тақдирда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.6.Банкнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари банк сирини ошкор қилганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.7.Банкнинг хайрия ва хомийлик учун ажратиладиган йиллик харажатлари миқдори олдинги (базис) йилда олинган соф фойданинг 10 (ўн) фоизидан ошмаслиги шарт. Хайрия ва хомийлик ёрдамлари Банк томонидан олдинги (базис) ҳисобот йилидаги соф фойда қисмида бизнес режа кўрсаткичлари бажарилган ҳолатларда амалга оширилади.

5. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1.Банкнинг Устав капитали Акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда Банк акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

Банк акцияларини Банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва Банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

қимматли қоғозларни Банк акцияларига айирбошлаш;

Банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу Банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5.2. Банкнинг устав капитал микдори 3 547 333 340 220 (уч триллион беш юз қирқ етти миллиард уч юз ўттиз уч миллион уч юз қирқ минг икки юз йигирма) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 3 321 338 165 (уч миллиард уч юз йигирма бир миллион уч юз ўттиз саккиз минг бир юз олтмиш беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

а) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш тартиби

5.3. Банкнинг устав капитал кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Кўшимча акциялар Банк томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.5. Банк Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони ва тури доирасида кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк Устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарорлар Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш Банкнинг ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

5.7. Банкнинг устав капиталини унинг ўз капитал ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитал кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.8. Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.9. Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.10.Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капиталли ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Банкнинг Устав капиталини камайитириш тартиби

5.11.Банкнинг устав капиталли акцияларнинг номинал қийматини камайитириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайитирилиши мумкин.

5.12.Банкнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайитиришга йўл қўйилади.

5.13.Агар Банк устав капиталли камайитирилиши натижасида унинг миқдори Банк Уставидаги тегишли ўзгаришларни рўйхатга олиш санасида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, Банк устав капиталли миқдорини камайитиришга ҳақли эмас.

5.14.Банкнинг устав капиталини камайитириш ва Банк Уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарор Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.15.Банкнинг устав капиталини камайитириш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайитириш сабабларини кўрсатади ва уни камайитириш тартибини белгилайди.

5.16.Банкнинг устав капиталини камайитириш вақтида Банк тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

5.17.Банк ўзи жойлаштирган акцияларни Акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайитириш йўли билан Банк устав капиталини камайитириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Банк Кузатув ва назоратининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.18.Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинган акцияларнинг турлари, Банк сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати белгилаб қўйилади.

5.19.Банк акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади.

5.20.Банк томонидан оддий ва имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

5.21.Банк тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

5.22. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Банк тасарруфига ўтган акциялар улар Банк тасарруфига ўтган пайдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

5.23. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. БАНК АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА НИСБАТИ, БАНКНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ

6.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.

Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Банк устав капиталининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

6.2. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

6.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Банк акциядори деб эътироф этилади.

6.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.5. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

6.6. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция Банкнинг овоз берувчи акциясидир.

6.7. Банк акцияларининг номинал қиймати 1 068 (бир минг олти миш саккиз) сўм.

6.8. Банк чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

6.9. Ўзлон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган ўзлон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати

1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 3 417 424 294 (уч миллиард тўрт юз ўн етти миллион тўрт юз йигирма тўрт минг икки юз тўқсон тўрт) дона умумий қиймати 3 649 809 145 992 (уч триллион олти юз қирқ тўққиз миллиард саккиз юз тўққиз миллион бир юз қирқ беш минг тўққиз юз тўқсон икки) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат.

7. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Банк акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очик ёки ёпиқ обуна) усуллари қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

7.3. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

7.4. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи Банк Қўзғатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.5. Банк томонидан эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.6. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор бир вақтнинг ўзида бир чиқарилишдаги қимматли қоғозларни хусусий (ёпиқ обуна) ва оммавий (очик обуна) жойлаштиришни назарда тутмаслиги керак (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати қарорларидан келиб чиқувчи ҳолатлар бундан мустасно).

7.7. Банкнинг қимматли қоғозлари очик обуна йўли билан жойлаштирилган тақдирда бир инвесторнинг (инвесторларнинг) бошқаси (бошқалари) олдидаги устунлигини белгилаш тақиқланади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) Банк акциядорларига қўшимча чиқарилган акцияларни қўшимчиликда белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига муносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқи тақдим этилганида;

б) Банк томонидан норезидентларга нисбатан қимматли қоғозларни олишга чекловлар қўйилганида;

в) Банк томонидан облигацияларни шахслар (жисмоний ёки юридик шахслар) доирасини белгилаш орқали сотиб олишга чекловлар қўйилганида.

7.8. Банкнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни

жойлаштириш Банк акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

7.9.Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

7.10.Банкнинг акцияларига ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7.11.Банкнинг акциялари уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин унинг эгасига берилади.

7.12.Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

7.13.Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Банк жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Банкнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда Банк Уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

7.14.Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банк жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Банкнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Банк Уставига Банкнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

7.15.Банк ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш тартиби билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни шартли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

7.16.Банк қонунчиликка мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қарздорларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

7.17.Банк акцияларига эгалик қилишга доир рухсатнома олиш тартиби:

7.17.1. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида Банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки бевосита олишдан олдин банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

7.17.2. Бошқа банклар Банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Бошқа банклар Банкнинг устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

7.17.3. Агар Банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

7.17.4. Мазкур Уставнинг 7.17.1 ва 7.17.3-бандларида кўрсатилган Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасиз тузилган Банк акцияларини олишга оид битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

7.17.5. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда Банкнинг акцияларини ушбу Уставнинг 7.17.1-бандида кўрсатилган ҳажмда олганда Марказий банк рухсатномасини олиш талаб қилинади. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда Банкнинг акцияларини олган кундан эътиборан Марказий банк томонидан тегишли қарор қабул қилинадиган кунга қадар акциялар эътиборининг ҳуқуқлари тўхтатиб турилади.

7.17.6. Акциядор ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда Банк акцияларини олган кундан эътиборан олтмиш кун ичида Марказий банкнинг рухсатномасини олиш учун ариза тақдим этиши керак. Акциядор томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган Банк акциялари олинган кундан эътиборан уч ой ичида бошқа шахсга берилиши лозим.

7.18. Банк акцияларига эгалик қилишга доир чекловлар:

7.18.1. Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва худудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (широқчилар), охириги бенефициар мулкдорлар Банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

7.18.2. Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида бошқа давлат ташкилотлари номидан Банк акциядори бўлиши мумкин.

7.18.3. Устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Банк акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

7.18.4. Бошқа банклар Банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олинган олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Бошқа банкнинг Банк устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

7.19. Банк акциядорларининг сони чегараланмаган.

7.20. Банк ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

7.21. Банкнинг қўшимча акциялари чиқарилган ҳолатда акциядорлар ишончиликлда белиланган тартибда Банк устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

8. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Банкнинг оддий акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) ишончиликлда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;

Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;

ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва Банкнинг розилигисиз ўзга шахсга бериш;

акциядорлар, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўз акцияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик битимини тузиш (бундай битим Банкнинг расмий веб-сайтида ошкор этилади).

8.2. Банкнинг имтиёзли акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Банкнинг имтиёзли акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиши;

ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, имтиёзли акциялар эгаларига ушбу Уставнинг 9.12-бандида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

Банк тугатилган тақдирда имтиёзли акцияларга белгиланган тугатиш қаймагини биринчи навбатда олиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни сўғурталаш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни сўғурталаш;

банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;

ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш.

8.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

8.4. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

8.5. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир неча шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг ўзараси вакили орқали фойдаланади.

8.6. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

8.7. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига

қаралган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

8.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонунчиликда белгиланган тартибда инвестиция воситаси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.9. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қонунда қўзғалган бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.10. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк Уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги ҳисобдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш вазвати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

8.11. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

8.12. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

Банкни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

Йирик битим тузиш масаласи бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилганда;

Банкнинг Уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тахрирдаги Уставни тасдиқлаш тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса,

Ўларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Банк акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида қарорлар этиши шарт.

8.13. Акциядорлар мазкур Уставнинг 8.12-бандида кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда Банкдан унга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақли эмас.

8.14. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нарҳини тўлаш;

Мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Банк бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;

Банкнинг сирини ошкор қилмаслик;

Миноритар акциядорлар асоссиз равишда ҳужжатлар талаб қилиш, махфий маълумотлар ва банкнинг тижорат сирларидан фойдаланиш орқали Банк бошқаруви органлари фаолиятига ҳалал бермаслик.

8.15. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш учун Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

Ҳал қилувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи, шу ҳисобдан охириги бенефициар мулкдор акциядорнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини баҳолашга тасар кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида шундай ҳолатлар ҳуқуқда келган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкни қарорлар қилиш;

Банк томонидан сўраб олинadиган ахборотни тақдим этиш.

8.16. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бонус мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

8.17. Банкнинг барча акциядорларига, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, маънавий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабат таъминланади.

8.18. Банк Давлат номидан иштирок этаётган акциядорлар билан бартарафда бошқа акциядорларнинг қонунчиликда белигиланган ҳуқуқларини тан олишади, уларнинг ушбу ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чараларини кўришади, шунингдек бошқа акциядорларнинг қанча улушга эга эканликларидан қатъий назар бир хил муносабат таъминлашади.

8.19. Акциядорнинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида кун тартибидagi масалалар бўйича акциядорнинг ўзи билан келишган ҳолда қарорлар ва овоз беради. Бунда кун тартибидagi масалалар бўйича овоз берган тартибни акциядорнинг ўзи билан келишиш акциядорнинг вакили

таъминидан уларга қулай ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Акциядор ва унинг вакили ўртасидаги муносабат, шу жумладан акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини белгилаб, Банк иштирокисиз ва қонунчилик асосида тартибга солинади.

8.20. Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар Банк фаолиятини текшириш учун ташқи аудит ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

8.21. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви миноритар акциядорларнинг ҳуқуқчиликларида ва ушбу Уставда белгиланган ўрни ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига йўл қўймайди, шунингдек акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар, жумладан йирик битимлар тузиш бўйича масалалар ўтказилишини ташкил этади.

8.22. Банк акциялари ушбу Уставнинг 7.17.1 ва 7.17.2-бандларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзоллигига номиндорлар кўрсатишга, шунингдек Банк фойдасининг бир қисmini дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

9. БАНК СОФ ФОЙДАСИНИ ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ, ШУНИНГДЕК ЗАРАРЛАРИНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Банк фондларига ажратмалар ўтказилади. Тақсимланган фойда Банк Акциядорлари умумий йиғилиши таъминидан белгиланган тартибда ишлатилади.

9.2. Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

9.3. Дивиденд Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.4. Банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.5. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул ва бонглар ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қонунлари билан тўланиши мумкин.

9.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва тартига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.7. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра тайинланган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.8.Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.9.Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.10.Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш босқичидаги ва тугайдиган саналар кўрсатилади.

9.11.Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Банк Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.12.Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича, агар Банкда тўлаш учун манба (соф фойда, тақсимланмаган фойда) ва/ёки захира фондида етарли маблағлар мавжуд бўлса, имтиёзли акциялар номинал қийматининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида дивиденд тўланади.

9.13.Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича тугатиш қиймати, имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига тенг.

9.14.Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Банк мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Банк рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб қолган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банк томонидан Банкнинг ана шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин..

9.15.Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Банк ихтиёрида қолади.

9.16.Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун

реестририлган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.17. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас:

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса;

Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивидендлар тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиб, бунинг оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғилиши мумкин бўлса;

Банкка нисбатан Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

9.18. Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни нисбатга олмаган ҳолда эълон қилади.

9.19. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари ушбу Устав ва Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

9.20. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек Банкнинг Қўрағув кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ноچорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган қўрсатилган қўрсатилган бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида Банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

9.21. Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 39-моддасининг биринчи қисмининг биринчи қисмида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси Банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жарий ёки ўтган чоракда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда Банкнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

9.22. Банкнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

9.23. Банк тузилган шартномага мувофиқ Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

10. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ, БАНК ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

10.1. Банкнинг ўз маблағлари қуйидагилардан ташкил этилади:

устав капитали;

қўшилган капитал;

захира фондлари;

тисимланмаган фойда;

Банк фаолияти учун зарур бўлган, бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фондлар; қонунчилик билан белгиланган бошқа маблағлар.

10.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини қўрилган чикариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва қўрилганликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун қўрилган.

10.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10.4. Банк фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.5. Банк устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган захира фонди ташкил этилади.

10.6. Банк захира фондига ушбу Уставнинг 10.5-бандида белгиланган ҳадгача еттунига қадар ҳар йили соф фойдадан камида 5 (беш) фоиз ажратмалар ўтказди.

10.7. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолда, мажбурий ажратмалардан тикланади.

10.8. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

10.9. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

Банкнинг ўз маблағлари (сотиб олинган асосий воситалар қиймати, бошқа юридик шахслар устав капиталда иштирок улушига қилинган қўшилган ва ўзга иммобилизация қилинган маблағлардан ташқари);

иқридик шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағлари;
физикларнинг муайян муддатга ва талаб қилиб олингунча жалб қилинган саволатлари;
бошқа банкларнинг депозитлари ва кредитлари;
исқалинган битимлар ва шартномаларга мувофиқ жалб қилинадиган четги давлатларнинг корхоналари ва банклари маблағлари;
облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар жойлаштириш натижасида олинган маблағлар;
Банк томонидан жалб қилинган бошқа маблағлар.
Банкнинг молия йили мобайнида тақсимланмаган фойдасидан кредит ресурслари сифатида фойдаланилиши мумкин.

11. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1 Банк бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Бошқарув - ижроия органи (ижро этувчи органи).

11.2 Банкнинг мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширишлари, қонунчилик, Банк Устави ва Бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни амалга ошириш ва оқилона бажаришлари шарт.

12. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИ

12.1 Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

12.2 Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

12.3 Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили туганишдан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили июнь ойининг 1 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.

12.4 Банк йиллик умумий йиғилишида Банк Кузатув кенгашини сайлаш ҳуқуқидан, Банк Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини ўзгартириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

12.5 Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

12.6 Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш

тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик ва акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

12.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйиладиган вазифалар киради:

Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тартибдаги уставини тасдиқлаш;

Банкни қайта ташкил этиш;

Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда қарз ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Банк Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг тартиб-таъминотини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг вазифаларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ-толов ва компенсациялар тўлаш;

Банк қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк Бошқарувининг фаолияти тартиб-таъминотини берувчи Банкнинг “Бошқаруви тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;

Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Банк Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар ҳал қилиш, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган тартибдаги қарор қабул қилиш, Банк Кузатув кенгашининг қарорларини эшитиш;

акциядорларнинг Банк акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида амалдаги қонунчиликда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик қўмитасини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонуночиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Қузатув кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларнинг миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тўғрисида тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

Бошқарувнинг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатишни (олишни) қонуночиликда белгиланган доирасини инобатга олган ҳолда миқдорини белгилаш орқали ва бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор қилиш шакли билан, Банк Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ваколатини бериш;

Банк бизнес-жараёнлари ва лойиҳаларини Банкнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш учун мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилиш;

банк комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Банк бошқарув ва нazorat органилари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган хатоликларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

Банкнинг “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги ва “Ички назорат тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш;

Банк мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя этмаганлик ёки ушбу Кодекс ва Қоидаларда назарда тутилган рақобатларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

қонуночиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

12.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қарашли масалалар Банкнинг Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

12.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қарашли масалалар Банкнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қўйидаги масалалар бундан мустасно:

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киратиш;

Акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар эълонига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга алоқибонадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг Бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Банкнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

12.10. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонунчиликда ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.11. Ушбу Уставнинг 12.7-банди иккинчи ва ўн тўққизинчи қабилларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат Кузатув кенгашининг тавсиясига биноан қабул қилинади.

12.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

12.13. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

12.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эълондан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

12.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шиклантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

12.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун илгари Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор бериш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд қилинган электрон почталари орқали юборилади.

12.17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан камида ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

12.18. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугайдан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш масаласидан таклифлар киритишга ҳамда Банк Кузатув кенгашига бу органнинг қарор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби, шунингдек банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ мажбурий банк талаби асосида ўтказилади.

12.20. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши йиғилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

12.21. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган тарзда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

12.22. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун навбатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўтказиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

12.23.Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган ҳолда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

12.24.Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан соҳибдорларга икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан бериланади.

12.25.Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Банкнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

13. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1.Банкнинг Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Банк устави билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш билан мустасно.

Банк Кузатув кенгаши бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш ҳақида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

13.2.Банк Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

13.3.Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам ҳафтада эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар билан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш билан Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

ушбу Уставнинг 12.7-банди иккинчи ва ўн тўққизинчи хатбошиларида белгиланган масалаларни ҳал этишни Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари нархини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига ўлинадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар эъзоларига чиқариш) нархини белгилаш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш (шу жумладан трансформация масалалари бўйича лойиҳа офисининг харажатларини). Бунда Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан эъзоларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Банк томонидан қарз мажбуриятларини (депозит (омонат) сертификатлардан ташқари) чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқарувини тузиш, Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;

Банк Бошқаруви аъзолигига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

Банкнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш, шунингдек ушбу амалга оширилган тўловлар миқдорини эъловлар умумий йиғилишида ошкор этилишини таъминлаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати (департаменти) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва улар асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегияси ва сиёсатларига қарай этилишини баҳолашдан ўтказиш;

Банкнинг Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва Бошқарувидан Банк Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиши мумкин);

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Банкнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;

Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчиликда белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Банкнинг веб-сайтида ошкор этилишини таъминлаш);

Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Таваккалчиликларни бошқариш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;

Банк харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

Банк асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тетишли қарор қабул қилиш;

Банк томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция қилиниши бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

Банкни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

Банкда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, Банкнинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

Банкнинг стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув, кредит, инвестиция, эмиссия, ахборот, дивиденд, ликвидлилик, ҳисоб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек Банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

Банкнинг Бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк Бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

Банк ўзига алоқадор шахслар билан Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 44-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда тузиладиган битимларни маъқуллаш;

агар шахс Банк билан битим тузиш бўйича шартнома имзоланганидан кейин Банкка алоқадор шахсга айланса, шахс Банкка алоқадор шахсга айланган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида мазкур шартномани яъкуллаш ёки бекор қилиш;

Банк Бошқаруви, Банк ички назорат органлари, Банкда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Банк ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

Банк ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;

Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлашни ташкил этиш;

Банкда Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларини жорий этиш асосидан назорат қилиш;

ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Кузатув кенгаши аъзоларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

13.4.Банк Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

13.5.Банк Кузатув кенгаши Банк Устави ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

13.6.Банк Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади. Банк Кузатув кенгаши 9 (тўққиз) кишидан иборат таркибда сайланади.

13.7.Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.8.Банк Бошқарув аъзолари ва Бошқарув раиси банк Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

13.9.Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

13.10.Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга, шунингдек мустақил аъзоларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомида белгилаб қўйилади.

13.11.Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш тарзида амалга оширилади.

13.12.Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига тақсирланади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тақсир беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз таълаган номзодлар Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.13.Банк Кузатув кенгаши раиси Банк Кузатув кенгаши аъзолари қатнашидан уларнинг ўзлари орасидан Банк Кузатув кенгаши аъзолари қумумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

13.14.Банк Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик қатнаши билан қайта сайлашга ҳақлидир.

13.15.Банк Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгашининг ишини ташкил қилиши, Банк Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилинади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорларнинг қумумий йиғилишларида раислик қилади.

13.16.Банк Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

13.17.Банк Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Банк Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилинади.

13.18.Овозга қўйилган масала бўйича Банк Кузатув кенгашининг қарори, агар қонунчиликда ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.19.Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ушбу Уставнинг 13.6-бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш шарт. Банк Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари қўйилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

13.20.Банк Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

13.21.Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

13.22.Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Банк Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.23.Банк Кузатув кенгаши қарорлари билан Банк акциядорлари тақсирланиши мумкин (тижорат сири бўлган қарорлардан ташқари). Банк акциядорлари Банкнинг қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

13.24.Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

13.25.Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Банк Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

13.26.Банк Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

13.27.Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

13.28.Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13.29.Банкнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Банк Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

14. БОШҚАРУВ – БАНКНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ)

14.1.Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия орган (ижро этувчи орган) – Банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига Банк Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

Банк Бошқарувининг ваколатлари ижро этиш учун учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

14.2.Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

14.3.Банк Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, Бош бухгалтер, шунингдек Банк фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

14.4.Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиял ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради.

Банк Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига асосан ҳамда Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ

Банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда Банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

14.5.Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

14.6.Банкнинг Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарори билан тайинланади.

14.7.Банк Бошқарув раиси ва аъзолари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Банк Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг ёки Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан 3 (уч) йиллик муддатга сайланадилар (тайинланадилар) ва уларнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилади.

Бунда, Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

14.8.Банк Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномани Банк номидан Банк Кузатув кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномаларни Банк номидан Банк Кузатув кенгаши раиси ёки Банк Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

14.9.Мазкур Уставга ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк ходимлари билан меҳнат шартномасини Банк Бошқаруви раиси, Банк филиаллари ходимлари билан Банк филиалларининг раҳбарлари тузадилар.

14.10.Банк Бошқаруви Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

14.11.Банк Бошқаруви ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг “Бошқаруви тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

14.12.Банк Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камидан бир марта ўтказилади. Банк Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

14.13.Банк Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 5 (беш) нафардан кам бўлмаган аъзоси қатнашса, ҳал қилишга ҳақли (кворумга эга) бўлади.

14.14.Банк Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир

овози битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк Бошқаруви мажлисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур Уставнинг 14.17-банди бўйича хатбошисида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Банк Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

14.15. Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Банк Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Банк Кузатув кенгашига билдиришлари мумкин.

14.16. Банк Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисда иштирок этаётган Банк Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Банк Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши аъзоларига, шунингдек акциядорларга уларнинг талабига кўра берилади.

14.17. Банк Бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Банкнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг қарорларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Банк ва унинг ходимлари, шўба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари, банк хизматлари марказлари (офислари) учун мажбурий бўлган қарорлар чиқариш;

Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

мазкур Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни шундан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш.

ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёки мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш битим тузиш масаласида Банк Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Банк бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгашига ҳал этиш учун киритилиши мумкин);

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк ички ҳужжатларига риоя қилиш;

мазкур Уставнинг 4.7-бандида назарда тутилган қоидага амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерациясининг топшириқлари ва (ёки) мурожаатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари бўйича ҳар бир топшириқ ва (ёки) мурожаат бўйича 100 (юз) млн. сўмгача ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш;

Банкнинг стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув, кредит, инвестиция, эмиссия, ахборот, дивиденд, ликвидлилик, ҳисоб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириш;

Банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни Банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаш;

Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошиш;

Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;

“Банк акциядор (иштирокчи, таъсисчи) бўлган корхона ва ташкилотлар бошқарув органларида Банк вакилларининг овоз бериш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;

Банкнинг обрў-эътибор хатарларини бошқариш;

Банк томонидан депозит (омонат) сертификатлари чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва уларни муомалада бўлиш шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Банк мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан Кузатув кенгаши билан келишиш;

Банк асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат Банк Кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Марказий банк меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.18. Банк Бошқарув раисининг ваколатлари ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

Ўзининг ваколатлари доирасида Банкнинг ишига раҳбарлик қилади;

Банк Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат ваъози билан иштирок этади;

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

Банк мижозлари шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар (контрактлар) тузади;

Банк номидан ҳужжатларни имзолайди;

Ўз ваколатлари доирасида Банкнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади;

Банк шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

штатларни тасдиқлайди, Банк ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан антизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро антизомини сақлаб туришини таъминлайди;

Банкларда вакиллик ва бошқа ҳисобварақларни очади;

Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

Банк номидан Банк филиаллари ва банк хизматлари марказлари (офислари) раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;

Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Ўз ваколати доирасида Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк Кузатув кенгаши ёки Банк аудитори талабига кўра тақдим этади;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлайди, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса;

хизмат, тижорат ва банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Банкни малакали кадрлар билан таъминлайди, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан оқилона фойдаланиш шартларини кўради;

Банк ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлайди;

Банк акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва бошқа қонун ҳолати ҳужжатларига, Марказий банк меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.19.Банк Кузатув кенгаши Банкнинг Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар Банк Уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисида Банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

14.20.Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланган Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини Банк акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

14.21.Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Банк Бошқаруви органларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

14.22.Банк Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

14.23.Банк Бошқарув раиси ва аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Банк манфаатлари йўлида амалга оширишга мажбурдирлар.

14.24.Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидagi ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

14.25.Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

14.26.Банк акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Бошқарув раиси Банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

14.27.Банк Кузатув кенгаши ва Акциядорларининг умумий йиғилиши, шунингдек Банк Устави ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун Банк Бошқаруви ўз ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал этади.

15. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1.Ички аудит хизмати.

15.1.1.Банкда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Банкнинг текширилаётган фаолиятдан ва бошқарувидан мустақил бўлиб, у Банкнинг Кузатув кенгаш ва Аудит қўмитасига бевосита бўйсунди. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

15.1.2. Ички аудит хизмати Банкнинг ижроия органи, Бош офиси, филиаллари, банк хизматлари марказлари (офислари) ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, Банк Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банкнинг ижроия органи, Бош офиси, филиаллари, банк хизматлари марказлари (офислари) ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 (эллик) фоиздан зиёд улуши Банкка тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

15.1.3. Ички аудит хизмати фаолияти Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаган Банкнинг “Ички аудит хизмати (Департаменти) тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

15.2.Аудиторлик ташкилоти

15.2.1. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

15.2.2. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Аудиторлик текшируви бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ равишда ўтказилиши лозим.

15.2.3. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

16. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

16.1.Банкда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

16.2.Корпоратив маслаҳатчи Банк Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

16.3.Корпоратив маслаҳатчи, Банк ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, Банк фаолиятида корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

16.4.Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган тегишли низом билан белгиланади.

17. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ ВА БОШҚА АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

17.1.Банк филиали Банкнинг юридик шахс бўлмаган, Банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва Банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

17.2.Банк қонунчилик ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ва банк хизматлари марказлари (офислари) ташкил этиши ҳамда уларга ваколатлар бериши мумкин.

17.3.Банк Марказий Банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонунчилик ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

17.4.Филиалга Банк мол-мулки бириктирилади ва “филиал” сўзи қўшимча қилинган ҳолда Банкнинг номи билан тўлиқ мос бўлган номга эга бўлади.

17.5.Филиал ўз фаолиятини Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган филиал тўғрисидаги низом ва Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

Филиал раҳбари Банк томонидан берилган ишончномага асосан фаолият юритади.

17.6.Банк филиаллари қонунчиликка мувофиқ Банк Кузатув кенгаши қарорига биноан очилади/туғатилади.

Банк филиалларини очганлик/туғатганлик тўғрисида Марказий банкка қонунчиликда белгиланган тартибда хабарнома юборилади.

17.7.Банк филиаллари раҳбарлари ва унинг ўринбосарлари ҳамда бош бухгалтерлари Банк Бошқаруви раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Банк Бошқарув раиси Банк филиаллари раҳбарлари ва унинг ўринбосарлари ҳамда бош бухгалтерлари билан Банк номидан меҳнат шартномасини тузади.

17.8.Банк мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари марказлари (офислари)ни ташкил қилади.

17.9.Банк хизматлари марказлари (офислари) Банк ёки Банк филиали биносидан ташқарисида жойлашган банкнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва Банк ёки унинг филиали билан ягона бўлган Банк (филиал) баланси ва кодига эга бўлади.

17.10.Банк хизматлари маркази (офиси) “минибанк”, “чакана хизматлар маркази”, “банк хизматлар маркази”, “банк хизматлари маркази”, “банк хизматлари офиси” ва бошқа сўз ва сўз бирикмалари қўлланилган ҳолда турли хил номланиши мумкин.

17.11.Банк хизматлари марказлари (офислари) қонунчиликка мувофиқ Банк Бошқаруви қарорига биноан очилади/туғатилади.

Банк хизматлари марказларини (офисларини) очганлик/туғатганлик тўғрисида Марказий банкка қонунчиликда белгиланган тартибда хабарнома юборилади.

17.12.Банк хизматлари маркази (офиси) ўз фаолиятини Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган банк хизматлари маркази (офиси) тўғрисидаги низом ва Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

Банк хизматлари маркази (офиси) раҳбари Банк томонидан берилган ишончномага асосан фаолият юритади.

17.13.Банк хизматлари марказлари (офислари) раҳбарлари ва бухгалтерия ҳисобини юритишга масъул ходимлари Банк Бошқаруви раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

18. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1.Банкни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

18.2.Банкни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек Марказий банк томонидан тасдиқланган тегишли низомларга мувофиқ амалга оширилади.

18.3.Банкни қайта ташкил этиш Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклларида Марказий банкдан рухсатнома олган ҳолда амалга оширилади.

18.4.Банк Марказий банкнинг талабига кўра ҳам қайта ташкил этилиши мумкин.

18.5.Банкнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Банк фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

18.6.Банк куйидаги ҳолларда тугатилади:

ихтиёрий равишда, Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд қарорига асосан;

Марказий банк лицензияни чақириб олганида;

банкрот деб эълон қилинганда;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

18.7.Банкни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар кодекси 53-56-моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек Марказий банк томонидан тасдиқланган тегишли низомларда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

18.8.Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

19. МИЖОЗЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

19.1.Хизмат хусусиятига кўра, Банк маълумотларидан хабардор бўлган шахслар мижозларнинг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларнинг ошкор этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

19.2.Банк ўз мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банкнинг барча ходимлари ва акциядорлари Банк, унинг мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт. Мижозларнинг Банкда сақланган пул маблағлари ва бошқа мулкига, шу жумладан фуқароларнинг омонатларига нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган асослар бўйича ва тартибда ҳибсга олиш, ҳамда ундириб олиш чоралари қўлланилиши мумкин.

19.3.Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига доир операциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобварақ эгалари, уларнинг қонуний вакиллари ва меросхўрларига, судга, суд ижрочисига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

19.4.Банк унга сақлаш учун берилган, омонатларга қўйилган ва бошқа операциялар бўйича пул ва бошқа маблағлар, қимматликларни, ҳамда мулкнинг бут сақланишини кафолатлайди.

19.5.Банк Марказий банк белгилаган меъёрларга мувофиқ ўз баланс тузилмасини тартибга солиш йўли билан зиммасидаги мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун доимий тайёр ҳолатда бўлади.

19.6.Банк жалб қилинган пул маблағларининг бир қисмини Марказий банк белгилаган меъёрий ажратмаларига мувофиқ, мажбурий захиралар фондига депонентлайди.

20. УСТАВГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

20.1.Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Банк Кузатув кенгаши томонидан Банк Уставига киритиладиган барча ўзгартишлар ва қўшимчалар Марказий банк томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

20.2.Банк Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги тахрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса Марказий банк хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

20.3.Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

20.4.Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қоидалари қўлланилади.

20.5.Банкнинг ушбу Устави Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан:

Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2020 йил 27 мартдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2020 йил 5 майда 37-рақам билан рўйхатга олинган Банк Устави;

Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 13 апрелдаги 2-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2021 йил 26 майда 37-1-рақам билан рўйхатга олинган Банк Уставига киритилган ўзгартишлар;

Банк Акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг 2021 йил 30 июндаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2021 йил 26 июлда 37-2-рақам билан рўйхатга олинган Банк Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимча;

Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 21 сентябрдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2021 йил 11 октябрда 37-3-рақам билан рўйхатга олинган Банк Уставига киритилган ўзгартишлар;

Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 25 ноябрдаги 7-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2021 йил 20 декабрда 37-4-рақам билан рўйхатга олинган Банк Уставига киритилган ўзгартиш;

Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2022 йил 13 январдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий

банкда 2022 йил 20 январда 37-5-рақам билан рўйхатга олинган Банк Уставига киритилган ўзгартиш;

Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2022 йил 30 мартдаги 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2022 йил 28 апрелда 37-6-рақам билан рўйхатга олинган Банк Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Бошқарув раиси

О.А. Бутаев



«Микрокредитбанк» акциядорлик жамъияти

44 (yep) 0714-варақча рақамланган ва тикилган

Бошқарув раиси _____ О. Бутаев

Бош бухгалтер _____ Ф. Рахманов



O.A. Butayev

Bohshqaryuv rasisi